

АБУ БАКР КОСОНИЙНИНГ “БАДО’ЪИУС САНОИЪ ФИ ТАРТИБ АШ-ШАРОИЪ” АСАРИНИНГ ФИҚҲ ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Қамбаров Аъзам Мухаммадали ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислошунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси кат. Ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12623702>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўртага ташланаётган фикрлар ҳанафийлик эътиқодий йўналиши методологик тамойиллари ва анъанавий усуллари талабларига риоя қилинган ҳолда шакллантирилади. Ижтимоий таъминот борасидаги фикрлар Самарқандлик фикҳ олими Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас-Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобида ва умуман Марказий Осиё диёрида, хусусан Республикамизда жорий қилинган фикҳий қоидалар ва юридик далилларга таянган ҳолда замонавий меъёрлар асосида мушоҳада қилинади.

Калит сўзлар: Бадоиъ, Саноиъ, Косон, фарз, вожиб, суннат, далил, ижмоъ, қиёс, асл, усул, фуруъ, ислом, шариат.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF ABU BAKR KOSANI'S WORK "BADO'IUS SANAI' FI TARIB ASH-SHAROI'" IN THE DEVELOPMENT OF JURISPRUDENCE

Qambarov A'zam Muxammadali o'g'li

International Islamic academy of Uzbekistan

Senior teacher of Islamic studies and study of Islamic civilization ICESCO chair

ABSTRACT

The opinions expressed in the article are formulated in accordance with the requirements of the methodological principles and traditional methods of the Hanafī faith. Opinions on social welfare are observed on the basis of modern standards based on the book "Badā'ī' al-ṣanā'ī' fī tartīb al-sharā'ī'" written by the jurist of Samarkand, Abū Bakr al-Kāsānī, and based on the jurisprudence rules and legal arguments introduced in Central Asia in general, in particular in our Republic.

Key words: Badā'ī', Ṣanā'ī', Kāsān, farḍ, wajib, sunnah, evidence, ijma', qiyās, asl, 'Uṣūl, furu', permissible, Islām, sharī'ah.

Ҳанафий мазҳабидаги энг аҳамиятли фикҳий манбалар ва асарларнинг даврийлик, тарихийлик нуқтаи назаридан ёндошиш биринчидан фикҳ уламоларининг кетма-кетлигини, иккинчидан устоз-шогирдлар анаъанасини, учинчидан улар амалга оширган ишлар кўламини, тўртинчидан қайси даврда қандай фикҳий муаммолар нозил бўлганлигини, бешинчидан ижтимоий муаммоларга ечим топишда мусулмон фикҳида қайси янги методлар яратилганлигини, олтинчидан фақиҳларнинг қарашлари ҳамда усул ул фикҳ, фуруъл фикҳ илмлари тараққиётини, еттинчидан фақиҳлар қарашларининг диний, иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини тушуниб етиш ва яхши эслаб қолиш каби имкониятларни яратади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин бу борада амалга оширилаётган ишлар натижаси ва самараси ўлароқ, фикҳий илмлар чегаралари яққолроқ кўрина бошламоқда. Бироқ бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар ҳали талайгина.

Ҳанафий фикҳи манбаларини тартибга солиш ва уларни ёш авлод онгига тизимли равишда етказиш иши мураккаб ва жиддий эътибор талаб қилувчи масала бўлиб, бу ишларни ташкиллаштириш жараёни бир ягона марказдан бошқариб борилиши олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини яхшилаши мумкин бўлган омилдир. Ҳозирги кунда нашр этилаётган адабиётларда юқорида эслатилган тартибга унчалик аҳамият берилмаётгани кузатилади. Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми жуда салмоқли эканлиги аниқ. Аммо амалга оширилган магистрлик, докторлик ишларининг натижаларини аторфлича ёритиш, уларга оид монографиялар, китобларни илм аҳлига, кенг ўқувчилар оммаси эътиборига ҳавола этиш ишларини жадаллаштириш лозимлиги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Шаръий масалаларнинг моҳиятини қай даражада тушуниб етиш, фикҳий усул ва фуруъ тушунчалари ҳақидаги билимларни содда ва равон, муҳими тизимли баён этишга асосланади.

XX аср охирида Собиқ Совет тузуми исканжаси ва тўри емирилгач, мусулмон халқлари ўз диний меросларини қайтадан тиклаб олишга киришдилар. Марказий Осиё халқлари тарихида орада йўқотилган бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида жуда катта илмий ва маънавий йўқотиш рўй берди. Бугунги кунда халқнинг илмий-маънавий йўқотиши сифатида пайдо бўлиб қолган бўшлиқларни тўлдиришда тақдим этилаётган манбавий адабиётларнинг даврийлиги тартибига қатъий амал қилиш эътибор марказида туриши шарт. Маворауннаҳр фақиҳлари, уламолари қолдириб кетган улкан меросни мажмуавий ёндошув меъёрлари асосида изчиллик билан тартиблаш муҳим.

Абу Бакр Косонийнинг “Бадоиъ” асари яратилишига сабаб бўлган дастлабки омил унинг асосий устози Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Муҳаммад Самарқандий тартиблаган “Тухфат ал-фуқаҳо” асари ҳисобланади.

“Бу китоб имом Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Муҳаммад Самарқандийнинг қаламига мансубдир. У киши ҳижрий 362 санада таваллуд топган ва ҳижрий 438 санада вафот этган.”¹

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мана шу мавзуда фикр билдириб, ўз қарашларини қуйидагича баён этган эдилар: “Бадоиъус-саноиъ фий тартиб аш-шароиъ” (*Шариатлар*). Китобнинг соҳиби – Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (ҳижрий 587 йилда вафот этган). У кишининг лақаби «Маликул уламо» бўлган. Асосан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандийда таълим олган. Устозининг барча китобларини, хусусан, «Тухфат ал-фуқаҳо» китобини яхшилаб ўрганган. Ўз талабасини яхши кўрган устоз қизи Фотимани унга никоҳлаб берган. Фотима ҳам отасининг «Тухфа»сини ёдлаган ва илмда кўпгина эркаклардан ўзиб кетган эди. Кейинчалик ҳам эрига тўғри маслаҳатлар бериб, илмий йўналишини тўғрилаб турган. Отаси чиқарган фатвода, албатта Фотиманинг ҳам имзоси бўлар эди. Кейин уларга куёвнинг имзоси ҳам қўшилди.

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳ дарслари (14-дарс). Фуруъул фикҳ китоблари. “Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан. Мақола. 03.01.2019. <https://islom.uz/dars-qism/9584>

Тадқиқотчилар «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ»ни «Тухфат ал-фуқаҳо»нинг шарҳи дейишади. «Тухфат ал-фуқаҳо» эса «Мухтасари Қудурий»га қўшимча қўшиб, яхшилаб тартибга солинган китоб бўлган.”²

Шайх раҳимахуллоҳ Абу Бакр Косонийнинг асосий устози Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Муҳаммад Самарқандийнинг қаламига мансуб «Тухфат ал-фуқаҳо» китоби ҳақида шундай дейди: “Бу китоб имом Косонийнинг «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ» китобининг аслидир.”³

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ “«Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ»(Шариатлар) китобининг ўзбекча аталиши борасида фикр билдирмаганлар. (бу ўринда мухтарам шайх китоб номининг таржимаси борасида мулоҳаза юритиш лозим деб ҳисоблаганлари жиҳатидан бўлса керак, ўзбекча вариантыни бермаганлар). Аллома Абу Бакр Косонийнинг ҳаёти, яъни қачон туғилганлиги борасида савол очик қолаётгани кўринади.

О.К.Чубоевнинг “Абу Бакр Косоний асарларининг педагогикадаги роли” номли мақоласида “Абу Бакр Косоний ўз юртида илми ва уламолар мажлисларини севиб улғайди. Балоғат ёшига етгач Бухоро шаҳрига келиб у ерда Алоуддин Муҳаммад ибн Аби Аҳмад Самарқандийнинг (ваф. 539/1191 й.) қўлида таҳсил олди.”⁴ (Эътибор беринг: Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Муҳаммад Самарқандий⁵)

“Китобнинг соҳиби – Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (ҳижрий 587 йилда вафот этган).”⁶

Бу мавжуд маълумотларда ноаниқликлар борлиги шубҳасиз.

Аммо «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ»га эътибор билан назар соладиган бўлсак, у урфга айланиб қолган шарҳларга ўхшамаслигини кўрамиз. Унда аслнинг матнини сўзма-сўз келтириб шарҳ қилиш услубига эргашилмаган. Имом Косоний ўз китобида «Тухфат ал-фуқаҳо»нинг тартибига риоя қилмасдан, боб ва фаслларни янгидан тартибга солган.

«Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ»нинг соҳиби ўз китобининг аввалида ҳамду санодан кейин фикҳ илмининг фазли ҳақида мухтасар маълумот бериб, бир оятни ва Бухорий, Термизий, Ибн Можа ва бошқа муҳаддислар Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилган: «Аллоҳга динда фақиҳ бўлишдек бирор нарса ила ибодат қилинмаган. Бир фақиҳ шайтон зиддига минг обиддан кўра шиддатлироқдир», деган ҳадисни келтирган.

Шунингдек, муаллиф ўзидан аввалги машойихлар кўплаб китоблар битганлари, аммо тартибга унча эътибор бермаганларини эътиборга олиб, ўз китобида шу нуқсонни

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳ дарслари (14-дарс). Фуруъул фикҳ китоблари. “Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан. Мақола. 03.01.2019. <https://islom.uz/dars-qism/9584>

³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳ дарслари (14-дарс). Фуруъул фикҳ китоблари. “Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан. Мақола. 03.01.2019. <https://islom.uz/dars-qism/9584>

⁴ Чубоева О.К. Абу Бакр Косоний и роль его трудов в педагогике. Ученый XXI века • 2020 • № 1 (60). [file:///C:/Users/user/Downloads/abu-bakr-kosoniy-i-rol-ego-trudov-v-pedagogike%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/abu-bakr-kosoniy-i-rol-ego-trudov-v-pedagogike%20(1).pdf).

⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳ дарслари (14-дарс). Фуруъул фикҳ китоблари. “Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан. Мақола. 03.01.2019. <https://islom.uz/dars-qism/9584>

⁶ Ўша жойда.

тўлдиришга ҳаракат қилмоқчи эканини таъкидлайди. Кейин «Китоб ат-таҳорат»дан бошлаб фикҳий масалаларни баён қилишни бошлайди.”⁷

Аллома Абу Бакр Косоний мероси, жумладан унинг қаламига мансуб “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” (“Шариат қонунларини тартибга солишда бадий маҳорат”) деб номлаган китобига бағишланган ушбу илмий ишдан кўзланаётган мақсадларнинг бири ҳам у зотнинг ўз замонидаги илм толиблари орасида юзага келиб қолган мураккаб қийинчиликларни бартараф этиш йўлида қилинган иш эканлигини яна бир бора кўрсатишдан иборат.

Аллома Абу Бакр Косоний яшаган даврда мавжуд бўлган қийинчиликлар айна даврга келиб, замонавий толиби илмлар қаршисида тўсиқ бўлиб қайтадан қад тикламоқда. Шу жиҳатдан Имом Косонийнинг илм-фан олдидagi буюк хизмати яққол намоён бўлганини кўриш мумкин.

Мусулмон уламлари ва Ғарбнинг кўзга кўринган шарқшунос олимлари ҳам Абу Бакр Косонийнинг «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ» китоби шарият фикҳий қоидаларини тартибга келтириш борасида катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этишади. “Одатда фуруъул фикҳ китоблари уч қисмдан иборат бўлади: *ибодот, муомалот, оила ва бошқа нарсалар низоми ва жиноёт*.”

Ибодатларда таҳорат, намоз, закот, рўза ва ҳаж масалаларига оид шаръий ҳукмлар ўрганилади.

Муомалотда асосан савдо-сотиқ, турли молиявий алоқалар, мерос, васият, вақф, қулларга оид ишлар каби масалалар ўрганилади. Оила низоми ҳам муомалот таркибига кириб, унда никоҳ, талоқ, идда, ҳазона, нафақа каби масалаларга эътибор қаратилади.

Жиноятларда эса маст бўлиш, зино қилиш, одам ўлдириш, бировга тан жароҳати етказиш ва шунга ўхшаш жиноятларни аниқлаш ва уларга тайин қилинадиган шаръий жазолар ҳақида сўз боради.

Албатта, таом, шароб, ҳалол-ҳаром каби шахсий ҳаётдаги масалалар ҳақида ҳам алоҳида боблар бўлади.

Шунингдек, кишиларнинг ташқи ва ички алоқаларига боғлиқ хавфсизликни сақлаш, мудофаа, асирлар, ўлжа каби нарсаларга оид ҳукмлар ҳам фикҳ фуруъларида ўрганилади.

Фуруъ ал-фикҳ китоблари фикҳга оид китобларнинг энг кўпи ҳисобланади. Ҳатто «фикҳ китоби» деганда баъзи кишилар зеҳнида айнан ушбу соҳадаги китоблар намоён бўлади. Бу борадаги китоблар турли ҳажм ва шаклларда бўлади.”⁸

Фуруъул фикҳ китоблари сирасига киритиш мумкин бўлган Косонийнинг “Бадоиъ” асари номидаги “шароиъ” сўзига эътибор қаратиб ўтиш керак бўлади, чунки асар номидаги сўзлар замирида муаллифнинг кўзлаган мақсади жойлашган.

تعريف و معنى شرائع في معجم المعاني الجامع - معجم عربي عربي

شرائع: (اسم)

⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. 03.01.2019 <https://islom.uz/dars-qism/9584>

⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. 03.01.2019 <https://islom.uz/dars-qism/9584>

شرائع : جمع شريعة

Шароит сўзининг таърифи ва маъноси “Маънолар тўплами” арабий муъжамида шундай келтирилади: Шароит (исм), Шароит шариъатнинг кўплик шаклидир.”⁹

Абу Бакр Косоний ўз асари номида бу сўзни “шариъат қонунлари” деган мазмунни ифодалаш учун қўллаган дейиш тўғри бўлади. Аслида “шариъат” сўзи “мусулмон шариъати” маъносини ифодалашда бирлик шаклида ишлатилади. Аллома Косоний “Шароит” сўзини “шариатлар” деган мазмунда эмас, балки “шариъат қоидалари” деган мазмунни ифодалашда қўллаганлиги унинг қарашларидан келиб чиқади.

Доктор Муҳаммад Форук Ан-Набаҳон (□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□□) “Ислом фикҳининг тарихий аҳамияти” мавзусида 2013-йил 12-декабрда Работ шахрида бўлиб ўтган Мағриб Академиясининг мажлисида сўзлаган оғзаки нутқида мусулмон фикҳи нима?-деган саволга жавобан шундай деди: “...мусулмон фикҳи ислом шариатининг умумий манбаларидан келиб чиққан тафсилий фуруъ ҳукмларининг мажмуаси бўлиб, ислом тарихида барча мазҳаб соҳиблари ва уламолари томонидан билдирилган ҳамма гапларни ўз ичига олади.”¹⁰

Доктор Муҳаммад Форук Ан-Набаҳон Ислом фикҳининг тарихий аҳамиятини ёритишда бу жараёни даврларга ажратиб ўрганиш илмий нуқтаи назардан амалий бўлишини таъкидлайди. Бунда олим қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳуқуқшунос олимлар Ислом ҳуқуқи ва Рим ҳуқуқи ўртасида уч жиҳатда катта фарқ борлигини исботлаганлар. Бу фарқли жиҳатлар унинг манбаларида, хусусиятларида ва умумий характеридаги мувофиқлик, расмийатчилик ва қонунлар ва ахлоқий нормалар орасидаги алоқаларда намоён бўлиши таъкидланади. Милодий 1949-йилда Гаагада бўлиб ўтган Халқаро конференцияда қиёсий ҳуқуқ қонуни масаласида ислом ҳуқуқшунослиги умумий қонунлар манбаси эканлиги эътироф этилган. Бу Халқаро конференция Ислом ҳуқуқшунослигининг мустақил ва яхлит ҳуқуқшунослик сифатида аҳамиятини эътироф этди ва бу қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг манбаларидан бири вазифасини ўтади.

1973-1974-йилларда ҳуқуқ факультетлари деканлари араб қонунларини ўзаро яқинлаштиришнинг бирдан-бир йўли ягона манбага, яъни Ислом фикҳига мурожаат қилиш бўлиши зарурлигини эътироф этишди.

Ислом фикҳи тарихи беш ёки олти босқичга бўлиниши мумкин.

Биринчи босқич – пайдо бўлиш босқичи. Бу пайғамбарлик даври бўлиб, ислом фикҳининг яратилиш босқичи саналади.

Иккинчи босқич – таъсис даври (асри) бунда фикҳ пойдевори мустаҳкамланди ва бу давр икки қисмдан иборат.

1) Расулulloҳнинг ҳижратларидан кейинги биринчи юз йиллик даври ва унга хос хусусиятлар.

2) ундан кейинги 150 йиллик ва унда рўй берган Имомлар даври.

Учинчи босқич – ҳижрий 250-500-йилларни ўз ичига олган давр бўлиб, бу ислом фикҳига доир йирик асарлар ва қомуслар яратилиш босқичидир.

Бу даврда имом Шофеъийнинг “Ал-Умм” асари, Абу Бакр Косонийнинг “Бадоиъус Саноиъ” китоби, Сарахсийнинг “Ал-Мабсут”и каби бугунги кунда ҳам машҳур бўлиб

⁹ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/%D8%B4%D8%B1%D8%A7%D8%A6%D8%B9/>

¹⁰ Доктор Муҳаммад Форук Ан-Набаҳон (الدكتور محمد فاروق النبهان). Ислом фикҳининг тарихий аҳамияти. 2014/01/26. <http://www.dr-mfalnbhan.com>

келаётган энциклопедик кенг қамровли фикҳий тўпламлар яратилди. Бундай манбалар сирасига яна “Ал-Муватто”, “Ал-Мудаввана”, “Ар-Рисола”, “Ал-Харож” ҳамда Аш-Шайбонийнинг олти китобларини киритиш мумкин. Бу даврни уламолар тақсимлашда турли фикрлар билдиришади ва баъзилар бу босқични уч-тўрт юз йилча давом этган, деб ҳисоблашади.”¹¹

Бу мавзу, яъни қонунчилик ва ислом фикҳи тараққиёти босқичлари борасида Р.У. Маликов бу босқичларни бироз бошқача талқинда санаб ўтади. Унинг фикрига кўра, мусулмон фикҳининг ривожланиш босқичлари қуйидагилар:

“Биринчи босқич – Расулуллоҳ (с.а.в)нинг ҳаётлик даври ҳамда саҳобалар (розияллоҳу анҳумлар) даври.

Иккинчи босқич – фикҳ асослари ўрнатилиши даври. Бу давр ҳижрий солноманинг 41-йилидан бошланиб, 132-йилига қадар давом этади.

Учинчи босқич – фикҳнинг таъсис этилиши ва фан сифатида истеъмолга киритилиши даври. Мазҳаббоши имомлар даври.

Тўртинчи босқич – эргашиш ва ижтиҳод дарвозаларининг ёпилиши даври. Бу даврда уламолар шаклланиб бўлган тўрт мазҳаб доирасида изланишлар олиб борганлар.

Бешинчи босқич – ҳуқуқий уйғониш даври. Бу давр ижтиҳод дарвозалари қайта очилиб, то қиёматга қадар фикҳ ҳамма шароитлар ва барча замонлар учун яроқлидир, деб эътироф этилгандан кейинги, яъни ҳозирги давр.”¹²

Доктор Муҳаммад Форук Ан-Набаҳон мусулмон фикҳи ривож босқичларига таъриф беришда муфассалроқ ёндошган дейиш мумкин.

Мазкур босқичларни зикр этишнинг аҳамияти шундаки, бу нарса фикҳшунос олимлар томонидан Абу Бакр Косоний қайси давр алломалар табақасига мансуб деб ҳисобланиши масаласига ойдинлик киритилишига ёрдам беради.

Бир қатор фикҳ тарихчиларининг фикрларига кўра, ислом ҳуқуқи (фикҳ) ўз тараққиёт жараёнида қуйидаги олти даврни босиб ўтган:

Биринчи босқич: Пайғамбар даври;

Иккинчи босқич: Саҳобалар даври;

Учинчи босқич: Тобиин даври;

Тўртинчи босқич: Мужтаҳидлар даври;

Бешинчи босқич: Мухаррижлар даври;

Олтинчи босқич: Муқаллидлар, яъни тақлид қилувчилар ёки тақлид даври.”¹³

Фикҳ алломаси Абу Бакр Косоний Таржиҳ фақиҳлари табақасидаги уламолар сирасига киритилиши мумкин бўлган фақиҳлар каби ўз мазҳаби имомининг сўзи билан бошқанинг сўзи орасини, имом айтган сўз билан имомнинг шогирдлари ёки бошқа мазҳаб имомлари айтган сўзлар орасини таржиҳ қилиш йўналишида ижодий фаолият олиб боришади.

¹¹ Доктор Муҳаммад Форук Ан-Набаҳон (الدكتور محمد فاروق النيهان). Ислом фикҳининг тарихий аҳамияти. 2014/01/26. <http://www.dr-mfalnbhan.com>

¹² Маликов Р.У. Введение в историю исламского права и его основы [текст]: учебное пособие / Р.У. Маликов – Уфа: Изд-во БГПУ, 2019. – 128 с. 11-б. <https://bspu.ru/files/75984>

¹³ Зайриев А. Ислом ҳуқуқи асослари фани бўйича маъруза матни. Жаҳон сиёсати кафедраси. – Тошкент: 2013. Б.126. 17-бет. http://library.navoiy-uni.uz/files/islom_huquqi_asoslari.pdf

“Бу табақа ҳанафий уламолари қаторига Қудурий ва Бурҳониддин Марғиновични, моликий уламолардан аллома Ҳалилни, шофий уламолардан имом Рофеъий ва имом Яҳё ибн Шараф Нававий Димашқийни, ҳанбалӣ уламолардан Абул Ҳаттоб Маҳфуз ибн Аҳмад Калузоний Бағдодий ва “Ҳанбалӣ мазҳаби мунаққиҳи” (ҳанбалӣ фикҳини қайта кўриб чиқиб, баъзи хатоларини тўғрилаган) қози Алоуддин Мирводийларни киритишади.”

“Қудурий ва Бурҳониддин Марғиновичларнинг асарларини бутун ислом олами ўқийди. Айниқса, “Ал Ҳидоя” бугунги кунда ҳам дунёдаги кўзга кўринган ал-Азҳар каби университетларда дарслик сифатида ўқитилмоқда. Ушбу мўътабар китоб инглиз, рус тилларига ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Энг эътиборлиси, Бурҳониддин Марғинович хазратлари бирон масалада ўзларича Қуръон ва ҳадисдан ҳукм олмаганлар. Фақатгина мазҳаб соҳиблари, мужтаҳидларнинг олган ҳукмларини келтирганлар. Улар баъзи ривоятларни бошқаларидан афзал эканини бу авло, бу энг саҳиҳ ривоят, буниси равшанроқ, бу қиёсга мувофиқроқ, бу одамлар учун фойдалироқ деб айта олганлар холос. Шундай улуғ зотлар ҳам тўғридан тўғри ҳукм олишга журъат этмадилар. Улар динимизни соф ҳолатда бизгача етиб келишига холис хизмат қилган зотлардан эдилар.”

“Бадоиъ ас-саноиъ” асарининг муаллифи Абу Бакр Ал-Косонийни мазкур даврлар тартибланишига асосан Асҳоб ат-таржиҳ даври уламоларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Дарҳақиқат, Абу Бакр Косонийнинг илмий фаолияти ва яратган “Бадоиъ” асари ўз даврида нафақат диний билимларнинг камолотга кўтарилишига, балки Мусулмон давлат раҳбарларининг ички ва ташқи сиёсатларини шакллантиришларига ҳам катта ҳисса қўшган деб айтиш мумкин. Мусулмон жамиятини ва давлатини бошқаришда ислом фикҳининг устуворлигини инкор этиб бўлмайди. Араб Халифалигида фақх уламолари катта нуфуз ва мавқеъга эга бўлганлиги Абу Бакр Косонийга Нуриддин Маҳмуд Занги 569/1174, Салжуқий султон Масъуд I (ваф. 572/1176 й.)лар ва уларнинг авлодлари зўр эҳтиром билан муносабатда бўлганлиги мисолида яққол кўринади.

References:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳ дарслари (14-дарс). Фуруъул фикҳ китоблари. “Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан. Мақола. 03.01.2019. <https://islom.uz/dars-qism/9584>
2. Чубоева О.К. Абу Бакр Косоний и роль его трудов в педагогике. Ученый XXI века • 2020 • № 1 (60). [file:///C:/Users/user/Downloads/abu-bakr-kosoniy-i-rol-ego-trudov-v-pedagogike%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/abu-bakr-kosoniy-i-rol-ego-trudov-v-pedagogike%20(1).pdf).
3. <https://www.almaany.com/ar/dict/arar/%D8%B4%D8%B1%D8%A7%D8%A6%D8%B9/>
4. Доктор Муҳаммад Форук Ан-Набаҳон (الدكتور محمد فاروق النبهان). Ислом фикҳининг тарихий аҳамияти. 2014/01/26. <http://www.dr-mfalnbhan.com>
5. Маликов Р.У. Введение в историю исламского права и его основы [текст]: учебное пособие / Р.У. Маликов – Уфа: Изд-во БГПУ, 2019. – 128 с. 11-б. <https://bspu.ru/files/75984>
6. Зайриев А. Ислом ҳуқуқи асолари фани бўйича маъруза матни. Жаҳон сиёсати кафедраси. – Тошкент:2013. – 126 б. – Б.17. http://library.navoiy-uni.uz/files/islom_huquqi_asoslari.pdf